



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (13.910)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МУНОСАБАТЛАРИ АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 18 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узоқ, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, мамлакатларимиз Буюк ипак йўли даврларидан бошлаб ўзаро борди-келди қилган. Самарқанддаги "Афросиёб" музеида сақланаётган деворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Чосон элчисини қабул қилиш маросими акс эттирилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатларимиз вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак иштироқлар самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Мазкур тарихий ташриф кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустақам замин яратди. Ташриф доирасида давлатларо, ҳукуматларо ва идораларо 20 дан ортқ битим, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард АКШ долларидан зиёд бўлган 64 та ҳужжат имзоланди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа сифатида мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 апрель куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий қутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни қутлаб, бу узоқ кутилган ва муҳим ташриф эканини алоҳида таъкидлади.

– Жанубий Корея Ўзбекистоннинг ишончли ва устувор шериги. Мен 2017 йилги учрашувимизни мамнуният билан эслайм. Музокараларимиз самимий ва конструктив руҳда ўтган, салмоқли ҳужжатлар имзоланган эди. Бу кейинги йиллардаги ҳамкорлик ривожига асос бўлди. Сизнинг ушбу ташрифингиз давлатларо муносабатларимизга янги суръат бағишлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Корея Республикаси Президенти таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик руҳида изчил ривожланаётганини қайд этди.

– Ўзбекистон қадимий ва бой тарихига эга, Буюк ипак йўлининг маркази бўлган ўлка. Бугунги кунда мамлакатнинг ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Ўзбекистоннинг Жанубий Кореянинг савдо ва инвестициявий алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган "Янги шимол" савдо-иқтисодий ҳамкорлик шартномаси ва "Янги шимол" савдо-иқтисодий ҳамкорлик шартномаси деб билами. Сизнинг Сеулга ташрифингиз чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустақамлашга эришган эдик. Бу сафар ушбу алоҳида стратегик даражага кўтариш ниятидадир, – деди Мун Чжэ Ин.

Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорликни янада мустақамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қаради. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасида давлатларо, ҳукуматларо ва идораларо 170 дан ортқ ҳужжат қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорликнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, 2017 йилда қабул қилинган Стратегик шериклик муносабатларини хар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнот томонларнинг ҳамкорликка содиқлиги, дўстлиги ва ўзаро ишончидан далолатдир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Корея Республикасининг глобал ҳавфсизликни таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган, Корея яқин оролидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустақамлашга йўналтирилган тинчликсевар сиёсатини маъқуллади.

Ўз навбатида, Корея Республикаси 2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш" ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияларини қўллаб-қувватлади.

Парламентларо алоқалар, ҳукуматлар, вазирлик ва идораларнинг делегациялар алмашувлари фаоллашди, ташки сиёсат идоралари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали тус олди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни хар томонлама ривожлантириш, ўзаро манфаатли йўналишларни топши, "соатларни солиштириб олиш" мақсадида сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаол давом эттириш бўйича яқдил фикр билдирилди.

Икки мамлакат ҳамкорлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий алоқалардаги ўсиш суръатлари ижобий баҳоланиб, уни янада ошириш учун имкониятлар кўплиги қайд этилди. Шу мақсадда ҳуқуқий ва институционал инфратузилмани такомиллаштириш, турли даражадаги ташрифлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги деярли барча жаҳаларни қамраб олган. Савдо соҳасида энг кўп қўлайлик тартиби ўрнатилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йил 4 мартда Тошкентда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. 2018 йилда иқтисодий масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарлари мажлиси формати ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистонда жанубий корейлик инвесторлар иштирокида тузилган 660 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 354 таси тўлиқ хоржий сармоя ҳисобидан ташкил қилинган. Бу икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Ўртимизда ушбу мамлакатнинг 75 та компанияси рўйхатдан ўтган. 2018 йилда Инчон шаҳрида "Ўзбекистон – Корея савдо уйи" очилди. У Ўзбекистоннинг дунё стандартларига мос махсулотларини Жанубий Корея бозорига етказиб беришда муҳим роль ўйнамоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни олқишлади. Бу мамлакатимизга инвестициявий ва юқори технологиялар келиши кўпайтириб, қўшимча қийматли махсулотлар ишлаб чиқариш, доимий иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон энергетика, нефть-газ, кимё, қончилик, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини қайд этди. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизда ўзларини эркин ва қўлай хис қилишлари учун хар томонлама қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади.

Музокарада мазкур соҳалардаги янги имкониятлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар қўриб чиқилди. Иқтисодийнинг етакчи тармоқлари, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида корхоналар ташкил этиш, "электрон ҳукумат"ни ривожлантириш, инновация ва ижтимоий соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ахборот технологиялари, рақамли тиббиёт, таълим, маданият соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизнинг мактабга таълим тизимига Жанубий Корея таърибаси кенг жорий этилмоқда.

Ўзбек ва корей халқларининг дунёқараш ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўллаган. Бугун Ўзбекистонда яшаётган 180 миңдан зиёд корей диспанриси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Корей маданият марказлари уюшмаси, вилоятларда унинг бўлинмалари фаолият юритмоқда. Ушмоа юртимизда ва хорижда корей тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

2017 йили Ўзбекистонда корей миллати вакиллари яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги "Дўстлик" боғида ёдгорлик монументи очилди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Сеул номи берилди. Корей халқининг маънавий-маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Корея маданияти уйи қуриб битказилди. Ушбу маскан халқларимиз абадий дўстлигининг яна бир ёрқин тимсоли бўлади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртилари Жанубий Кореядаги 45 дан ортқ илмий-тадқиқот муассасаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Пойтахтимизда Корея Республикасининг тўртта университети филиали очилган.

Тиббиёт соҳаси ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг молиявий-техник кўмағида Ўзбекистонлик мутахассислар Жанубий Кореядаги етакчи клиника ва марказларда малака оширмоқда, корейлик шифокорлар томонидан мамлакатимиз аҳолиси бегарас асосда тиббий қўриқдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мазкур соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Жанубий Корея Президенти илгор таърибалардан фойдаланиш ва кадрлар малакасини оширишга ҳисса қўишга тайёр эканини билдирди. Самарали музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоледи.

Ҳукумат ва вазирликлар ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, эркин савдо битими тузишни ўрганиш, тинч мақсадда фазони тадқиқ этиш, фан, технология ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Корея марказини ташкил этишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф доирасида мактабга таълим, меҳнат ва бандлик, адлия, қишлоқ ҳўжалиги, капитал бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес, ўсимликлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳаларида, шунингдек, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари ўртасида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзолангани қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган брифингда Президентлар аънанавий дўстлик, очкилик ва ўзаро англашув руҳида кечган музокаралар натижаларидан мамнунигини алоҳида таъкидлади.

– Мулоқотларимиз Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги халқларимизнинг узоқ мuddатли манфаатларига тўла мослигини, халқаро ва минтақавий муаммолар, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича позицияларимиз яқин эканини намойиш этди. Бугун имзоланган Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилганини кўрсатади, – деди Шавкат Мирзиёев.

– Дунёнинг диққат марказида бўлиб келаётган Ўзбекистон Президентига чуқур ҳурматини билдираман. Шавкат Мирзиёев ҳамма соҳалардаги – сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётга доир ислохотлари билан Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичи сари етказмоқда. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтардик. Уни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги йўналишларини муҳокама қилиб, истиқболли келишувларга эришдик, – деди Мун Чжэ Ин.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, мамлакатимиз парламенти аъзолари олдига нўтқ сузлади.

Корея Республикаси раҳбари Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган Ўзбекистон – Жанубий Корея бизнес-форумининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Форумда икки мамлакат иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари, хусусан, Корея Республикасининг 150 та компания ва ташкилотидан 350 дан ортқ вакил қатнашди.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги Жанубий Корея инвестицияларининг умумий ҳажми 7 миллиард доллардан ошган. Корея миллий нефть корпорацияси, Эксим-банк, "Kogas", "Lotte group", "Samsung", "Hyundai", "Shindong resources" ва бошқа кўлаб етакчи компаниялари юртимизда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Кўксаройда ўтган музокараларда ишбилармонлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

– Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлар улкан ғоя ва лойиҳаларни ҳаётга дадил жорий этиш учун кенг имкониятлар очмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда янги қўшма корхоналар сони 3 баробар кўпайди. Биз бундан буюн ҳам Корея бизнесининг мамлакатимиздаги иштирокини кенгайтириш учун энг қўлай шароитларни яратишга тайёримиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Корея Республикаси Президенти Ўзбекистон азалдан савдо, илм-фан, маданият маркази бўлгани, бугунги кунда ҳам бизнес учун кенг имкониятлар очилаётганини қайд этди. Жанубий Корея Ўзбекистондаги инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, илгор таърибалар билан ўртоқлашишга тайёр эканини билдирди.

Бизнес-форумда икки мамлакат компания ва ташкилотлари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган битим ва келишувларга эришилгани қайд этилди. Улар энергетика, нефть-газ, кимё, тоғ-қон, машинасозлик ва электр техникаси, транспорт ва логистика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмалар, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли тиббиёт каби устувор йўналишларни қамраб олган.

"Ангрен" эркин иқтисодий зонасини "Инчон" эркин иқтисодий зонаси бошқарувига бериш, "Бўстонлик-фарм" худудиди энг зарур дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича келишувлар алоҳида эътиборлидир.

Давлатимиз раҳбари Жанубий Корея ишбилармонларини мамлакатимиз иқтисодиётидаги янги имкониятлардан фаол фойдаланишга чақирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан бирга икки мамлакат санъатларининг концерт дастурида иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон шарафига ташкил этилган ушбу концертда юртимиз санъаткорлари, корей маданият маркази аъзолари ва Жанубий Кореядан келган ижодий гуруҳлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ислох қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига эндокринология ёрдамини кўрсатишнинг яқилит, вертикал интеграциялашган тизими яратилди. Эндокринология муассасаларини юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш ва эндокрин касалликларни профилактика, диагностика қилиш ҳамда даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини янада ривожлантириш эпидемиологик вазиятни баҳолаш ҳамда қандли диабет ва йод танқислиги ҳолати юзга келишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилишни, шунингдек, эндокринология йўналишларини болалар эндокринологиясининг талаб юқори бўлган йўналишлари билан биргаликда қайта қўриб чиқишни талаб этмоқда.

Ихтисослашган самарали ва замонавий эндокринология ёрдами тизимини шакллантириш, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлаш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига ихтисослашган юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифати ва имкониятларини ошириш мақсадида:

1. 2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастури (кейинги ўринларда – Миллий дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Қуйидагилар Миллий дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва аҳолини профилактика тадбирлари билан қамраб олиш бўйича вазиятни тўбдан яхшилаш;

қандли диабетга чалинган беморларнинг онлайн-регистрини яратиш, беморларни даволаш амалиётига қандли диабетнинг сурункали асоратлари юзга келиши ва ривожланишини камайтиришга қаратилган клиник ёндашувларни жорий қилиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

вилоятлар эндокринология диспансерлари ва филиалларида эндокрин хирургия, диабетик тўлиқ, диабетик нефропатия ва реанимация бўлиmlарини ташкил қилиш орқали кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш;

"қандли диабет" ташхиси қўйилган болалар, ўсимирлар ва ҳомилдор аёлларни аналогли инсулин ҳамда инсулин ёбориш учун мосламалар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш;

худудий ўзини ўзи назорат қилиш мактаблари негизига профессионал инструкторлар жалб қилган ҳолда **эндокрин касалликларга чалинган беморлар ва уларнинг оила аъзоларини касалликларни тўғри олиб бориш ва назорат қилишга ўқитиш;**

эндокринология муассасаларининг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустақамлаш;

эндокринология соҳасидаги маҳаллий илмий тадқиқотлар қўламини, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш амалиётига жаҳондаги илгор таърибалар, илмий ишланмаларни татбиқ қилиш;

янги эндокринология муассасаларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий диагностика ва махсус тиббий ускуналар, воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) орқали **эндокринология муассасаларини модернизация қилиш ва уларнинг моддий-техник базасини янада мустақамлаш.**

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий дастурда қўзғатилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қуйидагиларни мунтазам равишда амалга оширишни кўзда тутувчи тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

қандли диабетнинг I тури билан касалланган болалар ва ўсимирлар учун аналогли инсулинлар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини (тест-чизикчалар) марказлашган тарзда харид қилиш ва барча вилоят эндокринология диспансерлари орқали тарқатиш;

калий йодид препаратлари билан улзуксиз таъминлаш орқали аҳолининг касалликка чалинши хавфи юқори бўлган гуруҳлари (болалар, ўсимирлар, ҳомилдор ва эмизикли аёллар) орасида йод танқислиги касалликларини профилактика қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида ушбу бандни ихро этиш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг шатлар нормативларини қўшимча эндокринолог, шу жумладан, болалар эндокринологи лавозимларини киритишни кўзда тутувчи ҳолда қайта қўриб чиқсин.

Маълумот учун қабул қилинганки, эндокринолог, шу жумладан, болалар эндокринологи лавозимларини киритиш бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг мавжуд шатат бирликлари доирасида амалга оширилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуқаҳимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 19 апрель

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза муҳбирлари

ЎЗАРО ИШОНЧ ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Шу кунларда Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти президенти Ли Чже Ён бошчилигидаги делегация ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Жанубий Корея делегацияси икки томонлама ҳамкорликка оид қатор учрашув ва музокараларда иштирок этмоқда.

Ўза муҳбири делегация аъзоларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Ли ЧЖЕ ЁН, Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти президенти:

– Мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилди. Мана 17 йилдирки, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, сиёсий соҳалардаги алоқаларимиз тобора мустақамлашиб бормоқда. Ҳамкорлик муносабатларимиз инсон фаолият доирасининг барча соҳаларини қамраб олади. 2018 йил ҳолатига кўра, давлатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ортиди. Жанубий Корея Ўзбекистонга инвестиция киритишда энг фаол ҳамкор давлатлардан бири ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида дунёнинг сиёсий, ижтимоий манзараси ўзгариб бормоқда. Ана шундай шароитда мамлакатларимизнинг ўзаро алоқаларини мустақамлаш икки томон учун ҳам бирдек манфаатли.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётгани, халқларининг қарорларидида муштараклик, ўзаро ишонч Ўзбекистон ва Корея муносабатларининг келажагини таъминлашига ишонаман.

Ким ДЭ ХИ, Корея ахборот жамиятини ривожлантириш институти президенти:

– Ахборот технологиялари бугун жамият ва мамлакат тараққиётининг бирламчи омилли сифатида қайд этилади. Бу чекланган ресурслар ва инсон капитали шароитида юқори натижадорликка эришишни таъминлайди.

Корея ахборот жамиятини ривожлантириш институти Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда қўлпаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Юртингизга бу гаги ташриф доирасида дастурий таъминот, Ўзбекистонда ахборот технологиялари технопаркинни шакллантириш масалалари бўйича музокаралар олиб бордик.

Пак ЧЖОН ХО, Кореянинг Шимолий иқтисодий ҳамкорлик сиёсати бўйича мутахассиси:

– Мамлакатда иқтисодий барқарор ўсиш суръатини таъминлаш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати томонидан Шимолий ва Жанубий иқтисодий ҳамкорлик сиёсатлари ишлаб чиқилган.

Шимолий иқтисодий ҳамкорлик сиёсати Кореянинг Евроосиё мамлакатлари билан манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантириш стратегиясини белгилайди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг транзит йўлакларини чорраҳасида жойлашган. Шу боис, ушбу сиёсатнинг муваффақиятли рўйбга чиқарилиши Ўзбекистон билан барча соҳалардаги муносабатлар истиқболига бевоқиф беголик.

Сиёсий ташаббус доирасида мамлакатимиз томонидан илгари сурилаётган лойиҳа ва дастурлар савдо-иқтисодий, сармовий шерикликни кўзда тутди.

Ўйлаётганимиз, ташқи сиёсатда янгилашган ва фаол ташқи иқтисодий дипломатия юритаётган Ўзбекистон учун ҳам ушбу йўналишдаги ҳамкорлик фойдали бўлади.

ЧЖОН МИНХЁН, корейлик эксперт:

– Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга Кореяда ҳам катта қизиқиш билан қаралмоқда. Яратилаётган қўлай бизнес муҳит, ташқи сиёсатдаги Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Тажрибдор мавзун доирасида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларини тадқиқ қиламан. Тошкентда ташкил этилган семинарда ҳам “Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти: имконият ва истиқболлари” мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим.

Ўзаро мулоқот ва маслаҳатлашувлар ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун имконият яратди. Ана шундай тадбирларни мунтазам ташкил этиб боришимиз мамлакатларимиз дўстона муносабатларида янги уфқлар очди.

Зухра МИРЗАБОВА
ёзиб олди

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ташаббуси билан Корея Республикасининг малакали шифокорлари иштирокида туғма юрак нуқсонли бўлган бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ташкил этилди.

КОРЕЯЛИК ШИФОКОРЛАР ТИББИЙ КЎРИҚ ЎТКАЗМОҚДА

“Соғлом авлод учун” фонди томонидан мамлакатимизда аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустақамлаш, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида беморларни республика клиникалари, тиббиёт марказлари ҳамда чет элда соғломлаштириш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Мазкур йўналишда Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг Пундан Ча университети госпиталларида туғма юрак нуқсонли, терининг кўйиш асоратлари, туғма қўлоқ бўғимлари касаллиги ва бошқа ташхислар билан оғриган ўзбекистонлик бемор болалар бепул соғломлаштирилмоқда.

Корея Республикасининг “Junior Chamber International – JCI” халқаро ёшлар ташкилоти ва ахборотлаштириш хамда таълим соҳасидаги хизматларни қўллаш мақсадида “Соғлом авлод учун” фондининг асосий ва ишончли ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ўтган давр

мобайнида мазкур госпиталларда 45 нафар ўзбекистонлик болада жароҳат амалиёти ўтказилиб, соғломлаштирилди.

“Junior Chamber International – JCI” халқаро ёшлар ташкилоти ва “Седжон” госпиталидан мутахассис ва врачлар жорий йилнинг 16-19 апрель кунлари юртимизда бўлиб, туғма юрак нуқсонли мавжуд бемор болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Шунингдек, делегация вакиллари тасдиқланган режага биноан Ўзбекистон Корея маданият марказлари уюшмасига, Седжон номидаги корей тили мактабига, “Ариранг” пансионатига, Ким Пен Хва номидаги музейга, Тошкент шаҳридаги Корея таълим марказига, Ўзбекистондаги Корея Республикаси элчихонасига ташриф буюрди.

Тиббий кўриқ натижаларига кўра, аҳоли оғир деб топилган бемор болалар Корея Республикасининг нуфузли клиникаларида даволанди.

Г.БОБОВА,
Ўза муҳбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати хилма-хилдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада 2019 йил январь-март ойда хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 12 989,9 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,6 фоизини ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хамда таълим соҳасидаги хизматларга кузатишмоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажминини оширишга таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40,5 фоиз ўсиб, 3 636,3 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 28,0 фоизни ташкил қилди).

2019 йил январь-март ойда транспорт хизматлари ҳажмининг ошишига таъсир қилган омиллардан бири – йўловчи ва юкларни ташкил хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади. Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорт орқали кўрсатилган хизматлар (58,7 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юклардан (ўтказмасдан) “Эшикдан эшиккача” етказиб беришда қўлайлиги, транспорт воситасининг ҳаракатлантиришда мураккаблиги билан изоҳланади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

МИЛЛИЙ УМУМТАЪЛИМ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИ ОЧИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси очилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Корея Республикаси экспорт-импорт банки президенти Юн Сунг Су, “LG CNS” компанияси президенти Ким Ён Соб, дипломатик корпус вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мутасаддилари иштирок этди.

Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси (UZNEL) лойиҳаси республикада илк электрон кутубхона сифатида фаолият кўрсатиши кутулмоқда. Ушбу лойиҳа Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда амалга оширилди.

Лойиҳанинг мақсади ахборот-кутубхона муассасаларини ягона электрон кутубхона тизимига улаш орқали аҳоли билим савиясини ва сифатини оширишдан иборат. Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси электрон кутубхона, рақамлаштирилган ва сканерлаш маркази ҳамда мультимедиа марказидан иборат.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг тўртинчиси, яъни аҳоли, айниқса, ёшлар маънавияти-

ни юксалтириш, улар ўртасида китобхонани кенг тарғиб қилиш ташаббусига ҳамроҳ бўлиб, китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

– Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси лойиҳасини Ўзбекистон Республикасида жорий қилиш, ташкилий ишлар, жумладан, бошқарув (менеджмент), техник қўлаб-қувватлаш, дастурий таъминотлар билан ишлаш, ахборот ресурсларидан илмий-таълим йўналишида фойдаланишни ташкил этиш учун “LG CNS” компанияси томонидан мутахассислар танлаб олинди, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева. – Марказ тўлиқ замонавий жиҳозланди. Маҳаллий ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари “Бошқарув”, “Кутубхоначилар” ва “Операторлар” гуруҳларига бўлиниб, корейлик ҳамкорларимиз уларга лойиҳа тизимининг яратилиш стратегияси, маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари, лойиҳа дизайни ва келажақдаги фаолияти, шунингдек, PSS (TULIP Web) ҳамда IELS (TULIP) лойиҳалари, веб-сайт тақдими ва унинг ишлаш тизими ҳақида маълумот берди.

Маълум қилинишича, Миллий умумтаълим электрон кутубхона лойиҳаси биринчи босқичида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва вилоятлардаги 20 та кутубхонани ўзаро боғлаб, ягона маълумот алмашинувини йўлга қўйиш кўзланган. Келажақда Ўзбекистондаги 200 та кутубхонани қамраб олиш режалаштирилган.

Фойдаланувчиларга замонавий, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида Миллий умумтаълим электрон кутубхонасида мультимедиа ўқув заллари, видеохўдуд, имконияти чекланган фойдаланувчилар учун махсус жойлар, рақамлаштириш маркази, аудио ва видео студиялар ишланмоқда.

Рақамлаштириш хонасида турли хил сканер, микроплёнка қурилмалари, кесил ва елимлаш дастгоҳлари ўрнатилган. Бу қурилмалар орқали нафақат умумтаълим электрон кутубхонаси материалларини, балки турли материалларни рақамлаштириб, электрон ҳолатга келтириш мумкин. Электрон ҳолатдаги маълумотлар e-book тизими орқали кутубхона фойдаланувчиларига нафақат бино ичида, балки масофадан туриб хизмат кўрсатиш имконини беради.

Хуршид КОДИРОВ

Жаҳон амалиётидан маълумки, у ёки бу рейтинг натижалари орқали мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати баҳоланиб борилади. Жумладан, “Doing business” лойиҳасида Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар эътиборга олинади. Юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий базасини жаҳон стандартлари даражасида такомиллаштириш борасида аниқ фаолиятлар йўлга қўйилган. Аҳамиятлиси, амалга оширилаётган бу каби ишлар халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР – ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ КЎЗГУСИ

“Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинган ҳам тадбиркорликни янада ривожлантириш учун дастуруламал вазифини ўтайди. Мазкур соҳанинг такомиллаштирилганлиги эса “Doing business” халқаро лойиҳасида ижобий натижаларни намоён этишда асосий роль ўйнайди.

Айтиш жоизки, Жаҳон банки махсус гуруҳининг ҳар йили дунёдаги 190 та мамлакатда бизнес юритиш шароитларини 10 та кўрсаткич бўйича таҳлил қилади. Яъни 16 йилдан бери тайёрлаб, эълон қилиб келинадиган ушбу ҳисоботда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, уни олиб бориш ва яқунлаш (корхонани ёпиш)га қадар жараёнларни тартибга солинадиган ҳуқуқий нормаларни баҳолайди. Бундан 5 йил аввал Ўзбекистон ушбу рейтингда 149-ўринда турган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 76-ўринга кўтарилди.

Қолаверса, Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2022 йилда Ўзбекистонни 20-ўринга кўтариш қадар тўтилган. Бунинг учун Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Яна бир жиҳат, “Doing business” йиллик ҳисоботида инobatга олиннадиган тамойиллар, яъни мамлакатимизда қурилишга руҳаномалар олиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишдаги ортика бюрократик ҳолатлар бартараф этилмоқда. Бундан ташқари, ушбу рейтингда қатор индикаторлар ҳисобга олинади. Хусусан, корхоналарни ташкил этиш, қурилиш учун руҳаномалар олиш, электр таъминоти тизимига улашиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредитлар олиш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш, солиқ солиш, халқаро савдо, контрактлар бажарилишини таъмин-

лаш ва тўловга қобилиятсизликни ҳал этишга эътибор қаратилади. Аҳамиятлиси шундаки, ҳар бир индикаторга доир давлатимиз раҳбарининг тегишли ҳужжатлари қабул қилинган. Яъни мамлакатимизда ушбу соҳаларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда эркин конвертацияга руҳсат берилгани мазкур рейтингда юқори поғонани эгаллашда асосий сабаблардан бири бўлди. Ана шу яратилаётган шарт-шароитлар туфайли тадбиркорлар сони ўтган йилга нисбатан 5 баробарга, фойда солиғи эса 2,6 баробарга ошди.

Шу билан бирга, 2019 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қурилиш учун руҳаномалар олиш, электр таъминоти тизимига улашиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш, халқаро савдо, контрактлар ижросини таъминлаш борасида қатор янгилликлар киритилди.

Бундан ташқари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босилиши ёки муҳр билан тасдиқланишини талаб қилиш, қурилиш-монтаж ишларининг бошланиши ҳақида хабардор қилиш механизмининг жорий этиш орқали уларни амалга ошириш учун руҳаномалар олиш, оммавий офертани жорий этиш орқали қурилиш соҳасини назорат қилувчи ҳудудий инспекциялар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тўлиқлиги устидан назорат функцияларини бажариш юзасидан шартномалар тузиш тартиблари бекор қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, бу борадаги амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизнинг “Doing business” рейтингидидаги кўрсаткичининг янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Одилжон ИМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси



МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жанубий Корея Республикасининг “Инчхон” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари Ким Жин Ёнг бошчилигидаги ишбилармонлар вакиллари Наманганда бўлди.** Вилоят ҳокими билан мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йилдан йилга кенгайиб бораётгани, янги лойиҳалар, хусусан, “Наманган” эркин иқтисодий зонаси ва “Инчхон” эркин иқтисодий зонаси ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

● **Самарқандда вилоят судларининг 2019 йил биринчи чорағидаги фаолиятдан оммавий ахборот воситалари вакиллари ва жамоатчиликни хабардор этиш мақсадида брифинг ўтказилди.** Оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари тақлиф этилган тадбирда Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди, вилоят иқтисодий суди, вилоят маъмурий суди ва Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раислари, уларнинг ўринбосарлари жорий йил биринчи чорағидаги фаолияти бўйича ахборот берди.

● **Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги “Максам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятига оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресс-тур ташкил этилди.** “Ўзимёсанот” АЖ ташаббуси билан ўтказилган тадбирда журналистлар Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан мазкур жамиятда атроф-муҳитга салбий таъсирнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар билан танишди.

● **Наманганда картинг бўйича вилоят очик биринчилигининг иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.** Картинг пойғисига Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳамда Қозғистон Республикасидан 20 жамоа таркибидан 8 ёшдан 48 ёшгача бўлган 74 спортчи, жумладан, 4 нафар пойгачи қиз иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● **АҚШнинг Чикаго шаҳрида “Юлдузлар жанги” байрамининг ўтказилиши чоғида LEGO ўйинчоқларидан бош қаҳрамоннинг қиёфасини йиғиш ишлари амалга оширилди ва бунинг учун 36444 та LEGOлардан фойдаланилди.** Ушбу гаройиш натижа Гиннеснинг Рекордлар китобидан ўрин олди.

● **АҚШда кўп қаватли уйда газнинг портлаши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 16 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган ҳолда касалхоналарга ётқизилди.** Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда. Дастлабки таҳминларга кўра, ушбу уйда таъмирлаш ишларини олиб бораётган усталарнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари портлашга сабаб бўлган.

● **Перуда хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан 5 миллион долларлик сохта пуллар мусодара қилинди.** Ушбу операция чоғида қалбаки пулларни олиб кетаётган киши қўлга олинди. Ҳозирда суриштирув ишлари кетмоқда.

ҚИСКА САТРАПДА

● **Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Инвестор куни” тадбири бўлиб ўтди.** Унда 20 нафар тадбиркорнинг инвестициявий лойиҳалари кўриб чиқилди.

● **“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент – Жакарта – Тошкент йўналиши бўйича ҳафтада икки марта мунтазам қатновлар йўлга қўйилади.**

● **Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мактабача таълим вазирлиги Корея Республикасининг “Chung Construction Design Group” корхонаси билан ҳамкорликда нодавлат боғчалар ташкил этилади.**

● **“Markand Trans Express” МЧЖ томонидан Самарқанд – Тошкент йўналишида замонавий автобуслар қатнови йўлга қўйилади.**

● **Солиқ қўмитаси Тошкентдаги бозорларда яшир паспортлаштириш тадбирларини ўтказмоқда.**

● **Шайхонтоҳур туманидаги “Обод маҳалла” дастурига кирган “Чархозна” маҳалласи ҳудудидида 254-мактаб биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.**

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига

Юртимизда Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу чин маънода дўстлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик байрамига айланб кетди.

Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройи олдидаги майдон ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Зеро, ушбу муҳташам сарой дўстлигимиз, ҳамжиҳатлигимизнинг ўзига хос тимсолидир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллатга мансуб ўғил-қизларни ўз фарзандидек бағрига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласининг маънавий жасоратига бағишланган ҳайкал аслида бутун ўзбекистонликларнинг матонат, меҳридарелиги, софдиллигига қўйилган ёдгорлик, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилган кун муносабати билан юртимизда кенг нишонланаётган тадбир иштирокчилари 18 апрель кuni мазкур ҳайкал пойига гуллар қўйдилар.

"Халқлар дўстлиги" саройида сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Қосимов, Россия Федерациясининг юртимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси В.Тюрденев мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаббуси билан ишчилар раванг топаётганини таъкидладилар.

Ижтимоий барқарорлик, миллий ва диний конфессиялар ўртасида ўзаро тотувлик ва аҳилликни, ҳамжиҳатликни таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга қаратилган узоқни қўзловчи оқилона сиёсат Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар муваффақиятида устувор ўрин эгаллаши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурматга асосланган алоқалар кейинги йилларда сифат жиҳатдан янада юксак босқичга чиқди. Бу ҳамкорлик сиёсий-ижтимоий соҳалар билан бирга ишлаб чиқариш, инновацион технологиялар, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат, илм-фан йўналишларида янада ёрқинроқ намоён

бўлмоқда. 1994 йилда ташкил этилган Ўзбекистон рус миллий маданият маркази Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

ДЎСТЛИК, МЕҲР ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ



Марказ ва унинг юртимиз ҳудудларидаги бўлинмалари Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш, Конституция кuni каби умуммиллий байрамларнинг, "Ўзбекистон - умумий уйимиз" дўстлик фестивалининг доимий қатнашчиси. Ушбу тузилма томонидан турли ташкилотлар билан биргаликда ўтказилувчи Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Анна Ахматова, Сергей Есенин каби рус шоир ва ёзувчилари ижодига бағишланган тадбирлар юртимиз адабий ҳаётида алоҳида ўрин

эгаллайди. "Театр баҳори", "Янгра, гармонь" фестиваллари, миллий "Масленица" байрами, "Романсиада кечаси" муסיқий оқшомлари санъат иҳлосмандларига яхши таниш. Марказ қошидаги тўғараклар ўзбек тили ва аъналарини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этса, "Табассум" болалар ракс жамоаси, "Қалдирг'оч" бадийий студияси, "Куйлаётган юраклар" хор жамоаси турли танловларда иштирок этиб келади.

Ўзбекистон гоят бағрикенг, кувейши

Ўзбек халқининг мардлигини миннатдорлик билан ёд этади. Бу ердаги самимий, меҳрга тўла муҳит Ўзбекистоннинг табаррук тупроғига қадам қўйган ҳар бир инсоннинг қалбига кўчиши шубҳасиз.


Мен шу заминда вояга етдим, дейди Ўзбекистон халқ артисти, таникли суҳандон Галина Мельникова. - Ўзимни Ўзбекистон фарзанди, Шарқ аёли деб санайман. Юртимиздаги тинч ва тотув, осойишта муҳитга барча ҳавас қилади. Рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги шундай ажойиб, кувейши кунларга тўғри келгани, гоят кўтаринки ва байрамонга руҳда ўтаётганидан барча шод.

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг чорак асрлик тўйи муносабати билан юртимизга ташриф буюрган россиялик меҳмонлар Тошкент шаҳридаги Есенин уй-музейи фаолияти билан танишди. Улар эътиборига Ўзбекистон давлат академик рус драма театрининг спектакли ҳавола этилди. Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида нашр этилган 100 томдан иборат "Рус адабиётининг дурдоналари" китоби тақдими адабиёт мухлислари учун ростмана совға бўлди.

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган кўргазма юртимизда турли миллат вакилларининг эмин-эркин ижод қилиши учун зарур барча имкониятлар яратилганини яна бир қарра тасдиқлади. Кўргазмага келган иштирокчиларнинг қай бири россиялик, ким ўзбекистонлик эканини деярли фарқлаб ҳам бўлмасди. Она диёри-мизда ижод қилаётган қўлбал миллат вакилларининг асарларини уларнинг Ўзбекистонга бўлган меҳри ва эҳтиромни намунаси, десак янглишмаймиз. Кўргазма доирасида Рус миллий маданият маркази фаолиятига муносиб ҳисса қўшаётган бир гурӯҳ ҳамюртларини тақдирланди.

"Халқлар дўстлиги" саройининг муҳташам сахнасида Ўзбекистон ва Россия санъат усталари, бадийий жамоалари, миллий маданият марказларининг ансамбллари иштирокидаги гала-концерт дўстлик байрамига янада кўтаринкилик, жўшқин руҳ бағишлади.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ҲАЙРЛИДИР

Ўзинг ишонмаган нарсага ўзгари ишонтиролмагансан.

Миннатли ош татимас.

Қўлидан иш келадиган киши ишсиз қолмайди.

Аламини ишидан олган ютади.

Диёнатли дўст - қиёматли дўст.

Ақлинг кам бўлса, нақл ўрган.

Бири кам бўлмаса, дунёнинг қизиғи йўқ.

Исрофгар бой бўлмас.

Меҳнат қилган қуруқ қолмайди.

Истеъдодли киши хор бўлса, бунга қайсидир даражада ўзи ҳам сабаб бўлади.

Ҳаёт ҳақиқатларини тан олмаган ютқизади.

Инсоннинг феъл-атвори унинг тақдирини белгилайди.

Кўнгил ва ақл мувофиқ келмаган жойда мувозанат бузилади.

Янгисига қодир бўлмаган эскиси билан мақтанади.

Хусн - кўз қувончи, ақл - кўнгил озиғи.

Туйғулар ортидан эргашиб ақлнинг заифлигидан.

Завқ билан қилинган иш баракали бўлади.

Атрофдагиларга керакли кишининг тушқунликка тушишга ҳаққи йўқ.

ТЕМУРБЕКЛАР БЕЛЛАШДИ

Яккасарой туманидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида "Темурбеклар" ҳарбий спорт мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Яккасарой тумани мудофаа бўлими қақрилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинимаси бошлиғи Б.Тўлаганов, "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" УМ бошлиғи Ш.Закиров, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши етакчи мутахассиси С.Хўжақулов, туман жиноят ишлари бўйича суди судьяси Т.Қасимов ҳамда туманда жойлашган умумтаълим мактаблари иштирок этди.

9 та шарт бўйича ўтказилган мусобақада барча мактабларнинг жамоалари катта маҳорат билан берилган топшириқларни бажаришди. Қизиқарли ва муросасиз тарзда кечган тадбир якунида голиблар аниқланди. Натижаларга қўра, 1-ўринни 26-мактаб, 2-ўринни 48-мактаб, 3-ўринни 160-мактаб жамоалари эгаллашди. Голибларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрликлар ва медаллар топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда автомобиллар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, йўлларимиздаги автотранспортлар ҳаракатининг ҳам ошиб бораётганидан далолат беради.

Шундай экан, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳаракатланиш хавфсизлиги - бу инсонлар ҳаётини муҳофаза қилиш, айниқса, болалар ҳаётини хавф-хатардан сақлаш демакдир. Ҳозирги техника ва технология асрида болаларимиз ҳам баъзан пиёда, баъзан йўловчи сифатида йўл ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланишади.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан тумандаги 110-мактабга таълим муассасасида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси ходимлари, мактабга таълим муассасаси мудири Н.Мадалиева, тарбиячилар - Ф.Гайфуллина, Н.Мирҳашимова, Д.Ҳақимова ва тарбияланувчилар иштирок этди.

"Пиёда - умринг бўлиш зинда" шiori остида ўтказилган тадбирда фарзандларимиз ҳаётини сақлаш, уларга "Йўл ҳаракати қоидалари"ни мукамал тарзда тушунтириш, хавфсиз ҳаракатланиш кўникмаларини ҳосил қилиш ҳаётий зарурат экани таъкидланди. Ҳалокатларнинг олдини олишда болаларни йўлларда хавфсиз ҳаракатланишга ўргатиш, уларда "Йўл ҳаракати қоидалари"га қатъий амал қилиш кўникмасини ҳосил қилиш, шу билан бирга, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг бу йўналишдаги масъулиятини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

Йўллар... бу бепоён манзиллар сизу бизни қўзлаган еримизга эсон-омон етказиши энг аввало ўзимизга боғлиқ, - дейди "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонасининг Манавият, ТОИ ва ХВТ бўйича ўринбосари Манзура Убаева. - Биргина мисол: кичиктойни қўлидан етказиб кетаётган бобо-ю бувижонлар ёки ота-оналар, ҳуллас катталар унинг йўл қадмларидан қўйинг-да эҳтиёт бўлиб юрин, шойилма, машиналар қатновига эътибор бериш лозим, дея ўқитиб боришса болакай ал-

батта унга амал қилишга интилади. Унинг жажжи тафаккурида йўлда юришининг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари борлиги ҳақида илк тасаввур пайдо бўлади. Дарҳақиқат, "Йўл қоида" - умр фойдаси" эканлигини болажонларимиз аввало оила даврасида сўнгра мактабга таълим муассасаларида кейинчалик мактабда пухта ўрганишади.

Болажонларнинг йўлларда ҳушёрлигини ошириш мақсадида ташкилотнинг ходими А.Аюпов йўл ҳаракати қоидаларининг асосий низомларини, йўлларда тез-тез учрайдиган вазиятларни макет, плакатлар ёрдамида тушуначалар бериб ўтди. Муассаса тарбияланувчилари ўзлари ёд олган шёърларни айтишди, мавзуга оид чиқишларни намойиш этишди.

Бу каби тадбирлар Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан тумандаги мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида ҳам ўтказилди.

Жўмладан, 132-мактабда юқори синф ўқувчилари иштирокида "Пиёда - умринг бўлиш зинда" шiori остида "Пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланиш", "Йўл ҳаракати қоидалари", "Ҳаракатланиш маданияти", "Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш"га қаратилган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда асосий вазифа йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қонунлар, меъёрий ҳужжатларни тушунтириш, болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш эканлиги, бунда барча ҳушёр бўлиши муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

"Пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланиш" мавзусида ташкилотнинг "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси ходими А.Аюповнинг маърузаси тингланди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for "Халқ банки" (Halq Banki) branch in Bektemir. Includes contact info: 24/7 электрон офислари, манзил: Ш.Руставели кўчаси, 9-уй.

Advertisement for "Халқ банки" (Halq Banki) branch in Yashobod. Includes contact info: 24/7 электрон офислари, манзил: Ш.Руставели кўчаси, 9-уй.

Advertisement for Toshkent Pharmaceutics Institute. Includes contact info: 2008 йилда Каримов Нодиржон Со биржонович номига берилган № 289642 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Advertisement for UZGIDROMET. Includes contact info: Toshkent kimё технология институтининг 2008 йилда Расуллова Феруза Меҳриддиновна номига берилган № 349102 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.